



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# 2014 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшаши, унинг қалбига эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, «**Хар кунимиз Наврўз бўлсин!**» деган ширин асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоханг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун сеvimли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилиниш, кут-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочи-

лар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва кўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 24 февраль

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов  
ташаббуси билан 2014 йилнинг  
мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон  
қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг  
қўллаб-қувватланди.**

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Шунинг билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамохандир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсда ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тарқиқоти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она — соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, аввалбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ



**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

## АСКАРЛАР УЙИГА КУЗАТИЛМОҚДА

**Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни уйига кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбир Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуриви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиги бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб берадиган етакчи олий ҳарбий ўқув муассасаларидан биридир. Бу ерда курсантларнинг интеллектуал жиҳатдан юксалиши, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Кузатиш маросимида Ватан олдидаги бурчини намунали ўтаган аскарларга фахрий ёриқлар, Тошкент Олий умумқўшин қўмондон-

лик билим юрти раҳбариятининг олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномалари топширилди. Мазкур тавсияномалар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўпланадиган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорда имтиёз тақдим этишини таъкидлаш жоиз.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаганимдан хурсандман, — дейди самарқандлик Мироншоҳ Ниёзов. — Саралаш танловларидан муваффақиятли ўтиш учун китоб мутолаасига кўп вақт ажратдим, спортнинг кикбоксинг тури билан жиҳдий шуғулландим. Бугун бу ерни тарқатаётган бўлсам-да, ёзда билим юртига курсант бўлиб қайтишимга ишонаман.

**Р.БОНДАРЧУК,  
УЗА муҳбири**



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилояти Арнасой пахта тозалаш корхонаси қошида тикувчилик цехи ишга туширилди. Замонавий жиҳозланган цехда 25 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхонада пахтани қайта ишлаш билан бирга, қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2013 йили 200 кути ипак курти боқишга мўлжалланган пиллахона, минг тонна сабзавот сақлайдиган омборхона ишга туширилган эди.

• Термиз шаҳрида балиқчилик ҳўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш мавзусида семинар ўтказилди. Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти кўмаги билан Термиз туманида барпо этилган замонавий балиқчилик мажмуасида сазан, карп, дўнгпешона, оқ амур каби балиқ чавоқлари етиштирилиб, арзон нархларда балиқчилик ҳўжаликларига етказиб берилаётир. 2009 йили вилоятидаги 55 балиқчилик фермер ҳўжалигида 200 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилган бўлса, ўтган йили 223 ҳўжалик юритувчи субъект бир минг 266 тонна балиқ етиштирди.

• Қашқадарё вилоятида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида пиллачилик ва ипакчиликни ривожлантиришга бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди. 2013 йилда вилоятда 50 минг кути ипак курти парваришланиб, 3 минг тоннага яқин пилла тайёрланди. Пахта тозалаш заводлари қошида 20 маҳсус пиллахона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ипак куртини парваришлаш сифатини ошириш мақсадида 100 гектар тут плантациялари ташкил этилиб, хоржидан келтирилган 1 миллион 240 минг туп серхосил тут кўчатлари экилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 1900 нафарга яқин аҳоли мавсумий, 140 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

## ЖАҲОНДА

• Франциянинг «PSA Peugeot Citroen» автомобилсозлик компанияси 2013 йилда 2,32 миллиард евро миқдорига зарар кўрди. Шу тариқа компания фаолиятида кетма-кет иккинчи бор рентабеллик кузатилмади. Чунки у 2012 йилни бундан-да кўпроқ — беш миллиард евро миқдоридан зарар билан яқунлаган эди.

• Буюк Британиянинг «Royal Bank of Scotland» банки мавжуд иш ўринлари сонини 30 мингтадан кўпроққа камайтиришни режалаштирмоқда. Ушбу қарор кредиторлар томонидан қабул қилинган. Улар мазкур йўл орқали банкни яна рентабелликка қайтариб, капиталини оширишни режалаштиришяпти.

• Канадада юк поезди изидан чиқиб кетди. Жабрланганлар ва қурбонлар йўқ. Воқеа оқибатида локомотивлардан бирининг баки зарарланган ва натижада икки тонна дизель ёнилғиси ерга тўкилган.

• «Fеcebook» ижтимоий тармоғи «WhatsApp» хабарлари хизматини сотиб олди. Ушбу келишув харидор учун 19 миллиард АҚШ долларига тушди. Ўз навбатида, бу нафақат «Fеcebook», балки ахборот технологиялари соҳаси тарихида ҳам йирик битим бўлди.

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида омалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шахарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўриқни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваломбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилди.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутди, бу масала хануз долзарблигича қолмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастури-ни амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилди. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот тасдиқларида ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳроқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг қундалик рўзгор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклар ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектилари барпо этиш, мавжудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзгор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салоҳи, тикувчилик, таъмирлаш устaxonалари ва бошқа хизмат кўрсатиш қорхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта яқка тартибдаги уйлар қурилади. Икки мингта ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фойсиз ссудалар берилди. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

Республика иқтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида иқтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикаси. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилиниши **ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастури**ни такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, таркибда йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда ашайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливатиналар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгилашни қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқирилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 та шундай марказ тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқирилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқирилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишга кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбе-

кстондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, иқтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари қўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтатилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, «Она юрт навалари» халқ қолғу асбоблари халқро танлови, «Энг ёш ихтирочи» танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусика ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектиларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедияли иловали дарсликлар бепул берилди.

Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўйроқ театри ва «Томоша» болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги киши кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзuida халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлиши болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътибор ифодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

(ЎЗА)

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти кўриб чиқилди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси ўринбосари С.Отамурадов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари Қ.Акмалов ва бошқалар 2013 йилда мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан давлат бюджетининг 2012 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилиб, 2014 йилги лойиҳа юзасидан солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари экспертизаси амалга оширилди.

Бу жараёнда асосий эътибор давлат бюджетни маблағларининг истикбол кўрсаткичлари ҳақонийлигига, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли даромадлари даражасини оширишга таъсир этувчи восита сифатида тутган ўрни, иқтисодиётнинг реал секторида, айниқса, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича давлат бюджетни даромад қисмининг тўғри шаклланиши ҳамда бажарилишига қаратилган.

2013 йилда Ҳисоб палатаси қатор вазирлик ва идораларда давлат бюджетни маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширган. Хусусан, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджетларининг 2012 йилги ижроси ва маблағларнинг сарфланиши, бюджет харажатларини оптималлаштириш резервларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилган. Ана шундай тадбирлар натижасида 2013 йилда 79 миллиард сўмлик давлат ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар ундирилган.

Тадбирда айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бюджет даромадларини кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятларни ишга солиш ўрнига бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилаётгани, мутасадди раҳбарларнинг ушбу муҳим масалага эътиборсизлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йил 4 февралда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг сессиясида вилоят маҳаллий бюджетининг 2012 йил ва 2013 йил 9 ойлик давридаги ижроси, давлат бюджет ва мақсадли жамғармалар маблағларининг айрим турлари бўйича тўлиқ шаклланиши ва сарфланиши юзасидан Ҳисоб палатаси ўтказган текшириш натижалари чуқур ва атрофлича муҳокама қилинган қайд этилиб, шундай муҳокамаларни Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ўтказиш борасида таклифлар билдирилди.

Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган камчиликлар, бюджет интизомини бузиш ҳолатлари ва молиявий қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳокимликларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, текшириш ўтказилган вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари яратилган қулай иқтисодий муҳит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга, мавжуд резервларни аниқлаш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, барча йўналишда самарадорлиқни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири

## «ЎЗБЕКИСТОН ПОЛЬШАНИНГ МИНТАҚАДАГИ АСОСИЙ ШЕРИГИДИР»

**Яқинда Варшавада бўлиб ўтган давра суҳбати чоғида Польша экспертлари ҳамжамияти Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуллари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари баёнланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари билан танишдилар. Мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Польшанинг ижтимоий-сиёсий арбоблари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.**

Давра суҳбати чоғида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш асосида тараққиётнинг «ўзбек модели» миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг изчил юксалишига мустаҳкам замин яратгани хусусида атрофлича фикр

юритилди. Дунё миқёсида ўз эътирофини топган ривожланишнинг ушбу модели жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инкирозли ҳолатларга қарамай, мамлакат иқтисодиётини ўстиришининг юқори суръатлари барқарорлигини ҳамда макро-иқтисодий мувозанатни тўла таъминлаётгани, шунингдек, сўнги етти

йил давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан ошаётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг Польшага Европа Иттифоқидаги ишончли савдо-иқтисодий шериклардан бири сифатида қараётганига алоҳида ургу берилди. Шу боис икки томонлама алоқаларни,

хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва ҳуқуқ соҳаларида ислохотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётгани польшалик экспертлар томонидан эътироф этилди. Улар Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайдиган Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини ҳамда мамлакатимиз Польшанинг минтақадаги асосий шериги ҳисобланишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА,  
Варшава

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**Мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда муносиб таълим-тарбия бериб, етук кадрлар сифатида вояга етишларини таъминлаш давлатимизнинг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланган.**

Ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада фаол ишларни амалга оширмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳисобот-салоҳиат конференциясида ҳам шу ҳақда сўз борди. Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши, 11 та туман Кенгашлари ҳамда ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида фаолияти йўлга қўйилган 690 та бошланғич ташкилотлари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги

да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори биз ёшларни янада руҳлантириб юборди.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилаётган «Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Ёш чегарачи», «Йил-

**Хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини ошириш, бу йўналишдаги илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этиш оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим омил саналади.**

## ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бир қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар фаоллари, молия ва тадбиркорлик тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини бойитиш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашига яқиндан қўмаклашиш, қоллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, аёлларнинг тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга оид ташаббусларини рўёбга чиқариш борасидаги савий-ҳаракатлари самарадорлигини янада ошириш-

да ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мазкур йўналишда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ижтимоий лойиҳалар доирасида ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилардан иборат маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган. Улар аёлларга бошланғич иқтисодий билимларни эгаллаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, имтиёзли кредитлар олишни расмийлаштириш, фойдали меҳнат билан бандликни оширишга амалий қўмак бераётди.

Европа Иттифоқининг институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга доир лойиҳаси ҳаётга таъбиқ этилаётди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда аҳолига, жумладан, хотин-қизларга тадбиркорлик йўналиши бўйича ахборот, таълим, маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун «Ахборот ойналари»ни ташкил этиш кўзда тутил-

ган. Вақтинча ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Шунингдек, бизнес-лойиҳалар тузиш, имтиёзли микрокредитлар олиш, бизнес фаолиятини йўлга қўйишда ёрдам бериш режалаштирилган.

Хотин-қизларни чеварлик, пазандалик ва миллий ҳунаромандликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Малоҳат Эгамназарова. — Бу аёллар учун янги иш жойлари ташкил этиш ва шу орқали оилалар фаровонлигини ошириш, жамоат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Семинарда аҳолига тадбиркорлик асослари ва микрокредитлар олиш бўйича ахборот ва таълим хизматлари кўрсатиш, стратегик режалаштириш ва лойиҳаларни бошқариш, маҳаллаларда «Ахборот ойналари»ни ташкил этиш каби мавзуларда маълумотлар берилди, фикр алмашилди.

Назозат УСМОНОВА

## ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ

**Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Сергели ўқув СТК УҚ ҳамда мазкур коллеж ҳамкорлигида «Соғлом бола йили»га бағишлаб «Сен қувонсанг олам яшнар болажон!» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели ўқув СТК унитар корхонаси вакиллари, коллеж ўқитувчилари ва юқори курс талаба-қизлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом ўсишига нечоғли катта эътибор қаратилишидан далолат беришини таъкидлаб ўтдилар.

— Давра суҳбатини ташкил этишдан мақсад юқори курсда ўқийдиган қизларга оила қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш каби масалалар юзасидан маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборат,

— дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув СТК унитар корхонасининг маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи йўналиши бўйича бошлиқ ўринбосари вазифасини бажарувчи Нафосат Ашурова. — Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши оила қуриш арасида турган қизларимизга соғлом турмуш тарзини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбирда «Соғлом бола йили»га бағишланган расмлар ва видео роликлар намойиш этилди. Талабаларнинг саволларига шифокор ва ўқитувчилар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

## ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

**Дунёнинг қўллаб-қувватлашларида инсон саломатлиги, руҳияти, камолотида қаттиқ зарба берувчи гиёҳвандлик бугунги кундаги ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу бало аксарият кишиларнинг бошига етмоқда. Унинг касофатидан ер юзиде миллионлаб инсонларнинг ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда.**

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, улар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш мазкур иллатга қарши курашишнинг энг самарали йўлидир. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи тарғиботида бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфидаги Тошкент юридик коллежида ташкил этилди. «Гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасидаги салбий оқибатлари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ходимлари, Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокорлари ва коллеж ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, наркобизнеснинг қора қилмишлари, ёшларнинг бу иллатга аралашиб қолмасликлари каби бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Статистик маълумотларга қараганда бир йилда 200 мингдан ортиқ одам гиёҳвандлик оқибатида ҳаётдан кўз юмар экан. Бу касалликка чалинган одамларни даволаш учун 200-250 миллион доллар маблағ сарфланиши эса унинг «аср вабоси» дея номланишига сабаб бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали гиёҳвандликка оид кўрсатув, эшитириш ва мақолаларни мунтазам кузатиб бораман ва унинг ҳавфи иллат эканлигини хабардорман, — дейди коллежнинг биринчи босқич ўқувчиси Абдуазиз Хидиров. — Ана шу иллатнинг олдини олишга бағишланган тадбирда бевосита иштирок этишим менда гиёҳвандлик ва унинг олди-сотдиси билан шуғулланганларга нисбатан нафратимни янада оширди. Бугунги кунда барча тендошларим билан бирга бу иллатнинг «аср вабоси» эканлигини яхши англаб, унга қарши кескин кураш олиб боришимиз лозим.

Шунингдек, тадбирда йиғилганларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб, унинг жабрини тортаётган айрим химсалар ва ушбу моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, жиноий ишларга қўл уратган нопок химсалар ҳақидаги ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Абдували Содиқов

## БИЛИМЛИНИНГ ЙЎЛИ НУРЛИ

**Юртимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасаларини хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-усlubий мажмуалар билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, агентлик тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан 1-синф ўқувчилари учун чет тили дарсликларини нашрга тайёрлаш, чоп этилиши ва умумтаълим мактабларига етказилди. Мазкур нашрларнинг умумий адади 537 786 нусхаси ташкил этади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида 1-синфлар учун инглиз тилидан «Kids' English» (Болалар учун инглиз тили) дарслиги, ўқитувчилар учун услубий қўлланма 446 084 нусхада, (рус тилида 59 974 нусхада) чоп этилди. Шу қўлларда агентлик тизимидаги корхоналарда умумтаълим мактабларининг 2-4-синфлари учун янги дарсликлар нашр этиш борасида қизгин иш олиб боришмоқда.

Дарсликларни яратиш жараёнида таълим тизимининг ҳар бир бўғини — умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун дарсликлар ва ўқув-усlubий қўлланмалар тайёрлашда асосий эътибор чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзида ва оғзаки нутқ дарслири шаклида, энг илғор педагогик технология ва услублардан фойдаланишга қаратилмоқда. Иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш муҳимдир. Ўқув-усlubий мажмуа — дарслик, мультимедиа (DVD-диск), ўқитувчи учун услубий қўлланмадан иборат. Улар яхлит ҳолда мактабга энди қадам қўйган болаларнинг чет тилида илк сабоқ олишига ёрдам берадиган қизиқarli ўйинлар, кичкинтойлар тафаккурини, хотирасини мустаҳкамлайдиган машқлар, шеър ва қўшиқлардан таркиб топан.

Жорий йилда 1-синф ўқувчилари учун француз тилидан сабоқ берувчи «Hirondelle» дарслиги, ўқитувчилар учун шу номадаги ўқув-усlubий қўлланма чоп этилиб, таълим масканларига тарқатилди, — дейди «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Покиза Аъзамова. — «Дарсликни яратишда миллий кадрларимиз, маънавиятимизга таъинланган ҳолда ёндашилиб, ранг-баранг ва қизиқarli расмлар, ўқувчини фикрлашга ўргатувчи машқлар билан бойитилди. Китебдаги суратлар ҳам, илгари сурилган мавзулар ҳам ёш авлодни Ватанга мухаббат, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби эзгу ғоялар асосида тарбиялашга хизмат қилади. Дарсликда ота-оналар учун махсус тавсиялар келтирилганки, улар ёрдамида ўқувчи уйида ҳам оила аъзолари қўмағида хорижий тилни ўрганиши мумкин.

Айни пайтда «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 6-синфлар учун «Fly High» инглиз тили ва «Assalom, Deutch» немис тили дарслиги бугунги кун талаби асосида тайёрланди. Ушбу нашриёт-матбаа ижодий уйининг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган қатор инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лўғатлар, расмий лўғатларни чоп этгани ҳам эътиборга молик. Шу қўлларда 80 минг сўздан иборат инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лўғат нашрга тайёрланмоқда.

Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган, улкан ислохотлар болажонларнинг билим савиясини, маънавиятини янада ошириш учун хизмат қилади. Ватанимизнинг келажаги мана шу — ёш авлоддир. Эртанги кунда улар қанчалик ақлли, доно, эзку бўлсалар, Ўзбекистоннинг келажаги ҳам шунча порлоқ бўлади.

Қамола РЎЗИЕВА



кунда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларидаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган аъзолари сони 325 095 нафарни ташкил этади.

Ҳисобот-салоҳиат конференциясида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Назорат-таътиш комиссиясининг икки ярим йил давомида амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

— 2001 йилда Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари ва ёшларнинг ўз хоҳиш-иродаси билан тузилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ўз фаолиятини ёшлар ҳаёти, орзу-интилишлари ва камолоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бормоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ фаоли Шукруллоҳон Анваров. — «Камолот» ЁИХда фаолият олиб борар эканмиз таклиф ва ташаббусларимиз доимий равишда қўллаб-қувватланиб келади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 феврал-

нинг энг фаол ёш журналисти», «Энг фаол ёш тарғиботчи», «Президент асарлари билимдонлари», «Биз буюк юрт фарзандларимиз» танловлари, «Талабалар баҳори» ёшлар фестивали, «Ватаним тараққиётига, меънавий-маърифий тадбирлар тўғрисида»ги шiori остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси, «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор», «Бир тадбиркор — учта ҳамкор», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» ва бошқа қўллаб-тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини рағбатлантириш, бандлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Анжуманда Ҳаракат Тошкент шаҳар Кенгашининг янги таркиби, Назорат-таътиш комиссияси, Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усманов иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА  
Ислон Исмоилов олган сурат

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



## O'ZSANOATQURILISHBANK

### ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАРИ!

**“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Сизларга қуйидаги юқори даромадли омонатларни қўлай шартлар асосида таклиф этади:**

| Омонат турлари                    | Сақлаш-муддати | Омонатлар миқдори                      | Изоҳ                                                                                                                           |
|-----------------------------------|----------------|----------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Миллий валютада:</b>           |                |                                        |                                                                                                                                |
| <b>“Болалар мақсадли омонати”</b> | <b>10 йил</b>  | <b>Чекланмаган</b>                     | <b>Омонат бўйича имтиёзли талим кредити расмийлаштирилади</b>                                                                  |
| <b>“Коммунал тўловлар учун”</b>   | <b>1 йил</b>   | <b>Чекланмаган</b>                     | <b>Омонат бўйича ҳисобланган фойзалар нақд пулсиз шаклда коммунал тўловларига ўтказилади</b>                                   |
| <b>“Оила даромади”</b>            | <b>3 ой</b>    | <b>Чекланмаган</b>                     |                                                                                                                                |
| <b>“Техамкор”</b>                 | <b>3 ой</b>    | <b>минимал миқдори 100 000 сўм</b>     |                                                                                                                                |
| <b>“Маржон”</b>                   | <b>4 ой</b>    | <b>минимал миқдори 100 000 сўм</b>     |                                                                                                                                |
| <b>Хорижий валютада:</b>          |                |                                        |                                                                                                                                |
| <b>“Манфаат-2”</b>                | <b>7 ой</b>    | <b>Чекланмаган</b>                     | <b>Фойзалар омонатлар муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада берилади</b> |
| <b>“Оила капитали”</b>            | <b>12 ой</b>   | <b>минимал миқдори 300 АҚШ доллари</b> | <b>Фойзалар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада берилади</b>                          |

Банк ўз миқозларининг омонатларини фойиз даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБда сақланаётган омонатлар “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди” томонидан кафолатланган. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8 371) 140 66 32, 140 66 33.

Хизматлар лицензияланган.

## Таълим

ЎЗАРО ФИКР  
АЛМАШИЛДИ

Тошкент Тиббиёт-педиатрия институтида ўқитувчилар иштирокида тадбир ўтказилди.

Талаба-ёшларга ижтимоий-сиёсий фанлардан чуқур билим беришга бағишланган тадбирда қатнашган ўқитувчилар маънан етук, зукко, ақлли ҳамда баркамол авлодни вояга етказишда ижтимоий-сиёсий фанларнинг аҳамияти катта эканлигига эътибор қаратишди. Чунки сиёсий жиҳатдан хушёр ҳамда барча фанларни чуқур ўзлаштирган ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топишади. Мухими, улар ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолмайдилар, жиний ишларга қўл урмайдилар.

Шу боис ҳам ўқитувчилар ёшларга ижтимоий-сиёсий фанларни замонавий педагогик технологиялар, ўқув қўлланмалари асосида ўрганишларига имкон яратиш лозимлигини ўқитиб, бу борада бажариладиган вазифалар режасини белгилаб олишди.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги Бектемир ўқув-спорт техника клуби унитар корхонаси томонидан авиамодель спорт турининг хона моделлари бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР —  
ҒОЛИБ

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланишини таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботини олиб бориш, ёшларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш, ёмон иллатларга қарши курашиш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, таълим муассасаларида эгаллаётган билимларини янада мустаҳкамлаш мазкур беллашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлардан саналади.

— Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, имон-этиқодли фарзандлари билан фахрланади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб, вояга етказган халқ келажакка ишонч билан қарайди, — дейди Бектемир ўқув-спорт техника клубининг маънавий, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Минара Розиметова. — Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат ғеонафандини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган давлат умуммиллий шиорига айланди. Ушбу мусобақа орқали ёшларнинг

иқтисоддор аниқланиб, уларнинг истеъдодлари кашф этилади ва рағбатлантирилади.

Мусобақа ёшлар, профессионал спортчилар ва гуруҳлар ўртасида ташкил этилди. Ҳар бир жамоа вакиллари ўзлари ясаб келган хона моделлари, жумладан, самолёт макетини хона ичида учуришди. Жами олти имкониятда энг узок масофага учган самолёт макетларининг эгалари ғолибликни қўлга киритди. Якуний натижаларга кўра, гуруҳ баҳсларида Яккасарой ўқув-спорт техника клуби биринчи, Сергели ҳамда Юнусобод ўқув-спорт техника клублари жамоалари кейинги совринли ўринларга сазовор бўлишди. Спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақада эса 1-ўрин Сергели ўқув-спорт техника клуби аъзоси Равшан Мирзажоновга насиб этди. Яккасарой ўқув-спорт техника клуби аъзолари Алибек Жуманиёзов ва Шаҳзод Чавандозов иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. 7-18 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасидаги беллашуларда Мирсаид Мирвоҳидов (Яккасарой ЎСТК) 1-ўринга лойиқ қўрилган бўлса, 2-ўринни Ш.Чавандозов (Яккасарой ЎСТК) ҳамда 3-ўринни Ангелина Граховская (Сергели ЎСТК) қўлга киритди. Юқори натижаларга эришган иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

## 2014 йил — Соғлом бола йили

ОИЛА, МАҲАЛЛА,  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ҲАМКОРЛИГИ

лаларга маънавий-ҳуқуқий тарбия беришнинг муҳим омиллари, фарзандларимизнинг маънан етук ва билимли бўлиб вояга етишларида китобнинг аҳамияти, миллий кадриятларимиз, касб-хунар сирларини ёшларга пухта ўргатишда педагогларнинг роли ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбир иштирокчилари юқоридаги вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур эканлигини таъкидлаган ҳолда бу борада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган режаларни биргаликда бажаришга келишиб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Соғлом авлодни тарбиялаш — мамлакатимизда амалга ошириладиган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий спорт иншоотлари барпо этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бекиб ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим оил бўлиб хизмат қилаётир.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Ёшлик» спорт мажмуаси болаларнинг сеvimли масканларидан бири. Бу ерда йигирма олти нафар малакали мураббий болаларга байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш, футбол, бадий гимнастика, каратэ, белбоғли кураш ва стол теннис каби спорт турлари бўйича сабоқ бермоқда.

Соғлом авлодни камолга етказишдек муҳим вазифани амалга ошириш жараёнида мазкур маскан 441 ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини маз-



Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОДНИ  
ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

мунли ўтказишга қўмаклашаётир. Спорт комплексига турли ёшдаги шугулланувчилар учун барча шaroитлар яратилган, машғулотларнинг қулай ва мос жадвали ишлаб чиқилган.

Бунинг самарасида «Ёшлик» спорт мажмуаси тарбияланувчилари орасида республика ва халқроқ миқёсдаги чемпионатларда ғолиб бўлган ёшлар кўпа.

Отабек МИРСОАТОВ (Ўза)  
СУРАТДА: мураббий Нуриддин Махмудов шогирдлари билан Муаллиф олган сурат

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Такрорий аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 22.11.2012 йилдаги №18036-38/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 67,45 кв.м., янаша майдони 55,60 кв.м. бўлган 4 хонадан иборат 73-уй қўйилди, бошланғич нархи — 70 000 000 сўм.

Такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 7 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мўл бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тулашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

Чилонзор тумани, Дўмбиробод 3-берк кўчаси, 36-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган «Umid-tex-servis optima» МЧЖ (ИНН 206500357)нинг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР УРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ БЎШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМИГА ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камда биттаси бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: (8-371) 252-23-35.

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси.

## «101»

## МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАЙЛИК

Шуни инобатга олган ҳолда соҳа ходимлари тушунтириш ишларини нафақат иш жойларида, балки хонадонларда ҳам олиб бораётган бўлиб, бу шахримизда истиқомат қилаётган ҳар бир оила хавфсизлигининг кафолатидир. Лекин энг аввало, фуқароларимизнинг ўзлари оловдан нотўғри фойдаланишнинг оқибати аянчли эканлигини чуқур англаб етсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Тўғри, кўнлар совиши оқибатида ҳар бир хонадон соҳиблари иссиққина уйларда ўтиришга интиладилар. Бироқ, улар фойдаланаётган турли иситиш мосламаларини мутахассис кўригидан ўтказишгандан сўнггина ишлатиш даркордир. Шундангина кўнгл хотир-жами, оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланган бўлар эди.

Ўз соғлиги, оиласи, дўсту биродарларидан кўра ичкиларини афзал билган инсонлар ўзлигини йўқотади ва охири-оқибат ўз ҳаётининг

Бу йил қиш қаттиқроқ келди, ҳавонинг совиши натижасида хонадонларни иситишга бўлган талаб ҳам ортди. Бироқ айрим фуқароларимиз давлат стандартларига жавоб бермайдиган иситиш печи ва мосламаларидан фойдаланишмоқдаки, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

аянчли тугашига ҳам сабаб бўлади. Ёнғин офатлари ҳам кўпинча спиртли ичимлик ичилганидан сўнг уй ичида сигарета чекиш, эътиёсизлик билан ухлаб қолиш, маст, ўзини билмаган ҳолда газ ва электр асбобларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқаётганлигини кузатмоқдамиз.

Бу каби ҳолатларнинг аксариятида ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳаракатлари ўлароқ офат бартараф этилмоқда. Бироқ оқибатда жабрланувчига, давлатга катта зарар етмоқда.

Тез-тез учраётган бундай ҳолатлардан шундай хулосага келиш мумкинки, газ ва электр асбоб-уску-

наларида фойдаланишда энг оддий ва аризмасидай кўринган тартиб-қоидаларга амал қилиш, уй ичида маст ҳолда ортиқча харакатланмаслик олов билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг зарурий шартларидандир. Чунки хушёр, сергак, эътиборли инсон ҳар қандай шароитда ҳам вазиттаси бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: (8-371) 252-23-35.

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ  
ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси экология масалалари бўйича Тадбиркорлик субъектлари учун 2014 йилда ҳар ойнинг учинчи (21-30) ўн кунлигида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР  
КУНИ»

ўтказилишини ҳамда  
277-00-86, 277-75-43  
рақамли

«ИШОНЧ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ»  
ишлайётганлигини маълум  
қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қўйидаги нотариус лавозимларига  
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри

Мирзо Улуғбек туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар.

Олмазор туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар.

Чилонзор туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар.

Юнусобод туман 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
2. Паспорт нусхаси.
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.

5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишлаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).

6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2014 йил 12 март)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Тошкент шаҳар Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2013 йил 23 октябрда реестр №007096-09 рақами билан рўйхатдан ўтган «ХАМИДУЛЛА ШИРИН ТАОМЛАРИ» оилавий корхонаси (ИНН 302733597) тугатилади. Даво-лар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давоми-да 515-79-59 телефони орқали қабул қилинади

## Билдириш

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 20 феврал кунги 36-сонидан чоп этилган хабарномадаги 2014 йил 11 март кунига белгиланган очик аукцион савдо 2014 йил 25 март куни ва 2014 йил 25 февраль кунига белгиланган очик аукцион савдо 2014 йил 11 март куни ўтказилишини маълум қиламиз.

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖ маъмурияти.



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 феврал кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шалом эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража соғун, кунги — 4-6 даража бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz  
Буюртма Г- 256

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар. 233-28-95;  
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
13075 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.40